
Ташаббус натижасида "Шойимбек" маҳалласининг 3 минг 655 метр ички йўллар асфальтланди

"Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг иккинчи босқичида "Шойимбек" маҳалласининг таъмирга муҳтож бўлган ички йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ ташаббуслари 4 270 та овоз билан ғолиб деб топилган.

"Фуқаролар ташаббуси" жамғармасидан 1 млрд 200 млн сўм маблағ эвазига "Шойимбек" маҳалласининг Янги замон, Юқори Шойимбек, Туркистон, Устозлар, Ёшлар кўчаларининг 3655 метр қисми асфальтланмоқда.

Маълумот ўрнида: Фурқат туманида "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг иккинчи босқичида 8 та лойиҳа ғолиб деб топилган бўлиб, жами 9000 метрга яқин ички йўлларни асфальтлаш ишлари олиб борилган.

Жорий йилги "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг биринчи босқичида дастлаб 4 та лойиҳа ғолиб деб топилганлигини [хабар берган эдик.](#) Давлатимиз раҳбарининг 10.04.2023 й. кунги ПҚ-117-сонли қарори асосида "Ташаббусли бюджет" жараёнларининг 2023 йил 1-мавсумида иштирок этиб, ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 1 309 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча 1,3 трлн сўм ажратиладиган бўлди. Хусусан, туманимиздан ҳам яна қўшимча 11 та лойиҳа ғолиб деб топилди.

2023-04-12 14:52:13